

**ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН  
ХУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ  
АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

*ИИВ академияси жсанговор ва жисмоний тайёргарлик  
кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник*

**Дўстмуродов Умид Иннатиллаевич**

*Ички ишлар вазирлиги академияси 321-гуруҳ курсанти  
Султонова Мафтунна Баходир қизи*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мумий жиноятда аёлларнинг жиноий хатти-харакати эркакларнидан фарқ қиласи. Бинобарин, мақоланинг асосий мақсади аёллар жиноятининг моҳияти ва оқибатлари, уни содир этиш усули ва муайян вазиятларда жиноий қуролни қўллаш, уларнинг жиноят содир этишда иштирок этиши, жиноят қурбонини танлаш, шунингдэқ, хуқуқбузарликлар хужжатига алоҳида эътибор қаратишдан иборат. Уларнинг уй-жой шароитлари.

**Калит сўзлар:** хотинлар ва қизлар, жиноят, хуқуқбузарлик.

Дунёда йилдан-йилга жиноятлар сони ошиб, содир этилган жиноятларнинг 20-30%и хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич Америка Қўшма Штатларида 23 %, Буюк Британияда 24 %, Германияда 25 %ни ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Жаҳонда хотин-қизлар жиноятчилигига қарши курашиш, унинг олдини олиш, миқдорини минимал даражагача пасайтириш, бу соҳадаги профилактик чора-тадбирларнинг илмий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, хотин-қизларнинг иқтисодий соҳага қарши қаратилган жиноятлари, жиноий ҳулқ-авторини тузатишнинг, психофизиологик жиҳатлари, хотин-қизлар хуқуқларини қўшимча ҳимоя қилишининг такомиллашган усул ва тизимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда аёллар жиноятчилигининг олдини олиш ва профилактик чораларни амалга ошириш ҳамда хотин-қизларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чора-тадбирлар: хотин-қизлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг барваҳт олдини олиш, аёлларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини ошириш, уларга нисбатан тайинланадиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хозирги кунда, хотин-қизлар томонидан аҳлоқ-одоб доирасида хуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилиши салмоғи кўпайиб кетаётганлигини

хаммамизни хавотирга солади. Биргина 2023 йилнинг 11 ойи давомида хотин-қизлар томонидан 5000 дан ортиқ аҳлоқ-одоб доирасида хуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилган. Ахлоқ-одоб доирасидаги хуқуқбузарлик ва жиноят содир этган хотин-қизлар томонидан 2022-2023 йиллар давомида жинсий шеригига 900 та холатда ОИТС ва ОИВ вирусларини юқтириш холатлари кузатилган.

Хотин-қизлар жиноятчилиги ва хуқуқбузарликлар профилактикасиға доир бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилишига қарамасдан хотин-қизлар томонидан жиноят ва хуқуқбузарликлар содир этиш кўрсаткичлари камаётгани йўқ. 2023 йилнинг 11 ойи давомида 2 млн 200 минг дан ортиқ маъмурий хуқуқбузарлик ишлари кўриб чиқилган бўлиб, шундан 19-20%и аёллар томонидан содир этилаётганлиги ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни йўлга қўйиш механизми тўғри йўлга қўйилмаганлигидан далолат бермоқда.

Маълумки, умумий жиноятчиликда аёллар содир этадиган жиноий ҳатти-харакатлар эркаклар томонидан содир этиладиган жиноятлардан фарқ қиласди. Шу боис аёллар жиноятининг табиати ва оқибати, содир этиш усули ва жиноят қуролини маълум бир вазиятларда қўлланилиши, жиноят содир этишдаги иштироки, жиноят қурбонини танлаш, майший турмуш шароити кабиларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигин тақозо этади.

Ундан ташқари қасдан одам ўлдириш, вояга етмаган шахснинг номусига тегиши, вояга етмаган шахс тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишаҳоналар ташкил этиш ёки сақлаш, терроризм, шунингдек бошқа турдаги жиноятлар учун илгари ҳукм қилинган шахслар рўйхати юритилиб, мазкур шахслар устидан назорат кучайтирилиши лозим.

Юқоридаги кўрсаткичлардан англашиладики, мамлакатимизда хотин-қизлар хуқуқбузарлиги ва жиноятчилигига доир профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнлар негизида ўзининг нечоғлик аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиб бермоқда.

“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури” билан мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш устувор йўналишдан бири сифатида белгилаб қўйилганлиги, хотин-қизлар жиноятчилигининг сабаб ва шароитларини ўрганиш ва унинг олдини олиш тизимини янги усулларини ҳамда йўналишларини ишлаб чиқиш мазкур мавзусини ўрганилиш заруруатининг долзарблигини кўрсатиб беради.

Шунингдек, маҳалла худудида хуқуқбузарлик содир этган, содир этишга мойил, виктимологик жиҳатдан ҳимояга муҳтож ёхуд жабрланган хотин-

қизларни устидан профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш учун уларнинг ҳисобини юритишни ташкил этиш маҳалла фуқаролар йиғиги билан ҳамкорликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Фуқароларнинг, шу жумладан хотин-қизларнинг онгиға салбий таъсир қилаётган “оммавий маданият” таъсирларининг кучайиб бораётганлиги, масалан телевидения орқали зўравонликларни тарғиб қилувчи кинофильмлар қаҳрамонлари “аёл жинсида” намоён бўлиши ёки айрим мамлакатлар сериалларида бизнинг менталитетимизга зид бўлган халқимизнинг оиласи қадриятларни поймол қилувчи “турмуш ўртоғи” бўла туриб” бошқа бир шахсни севиб қолиши “ижобий” ёки “қаҳрамонлик” деб баҳолавчи сериалларни намойиш этилиши ҳолатларининг учраб туришидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, телевиденияда намойиш қилинувчи кинофильмлар ёки сериалларни намойиш қилинишга рухсат бериш жараёнлари устидан “жамоатчилик назорати”ни кучайтириш хусусан, бунда “Маҳалла ҳайрия жамоат фонди” томонидан алоҳида жамоатчилик назорати аъзоларини шакллантириш ва уларнинг бу йўналишда фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бир қаторда, Президентимиз ташаббуси билан жойларда “Фуқаробай” ишлаш тизими йўлга қўйилган бўлиб, айнан сеторлар миқёсида юритиладиган **“Аёллар дафтари”** хотин-қизлар ўртасидаги муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга йўналтирилган. Хусусан, “Аёллар дафтари”ги киритилган аёлларни уй-жой билан таъминлаш, ишга жойлаштириш, хусусий тадбиркорликка жалб этиш бу борада уларга ҳар томонлама ижтимоий-хуқуқий, тиббий ва педагогик-психологик ёрдам кўрсатиш масалаларини ўз ичичга олувчи комплекс тадбирларни ўз ичига олади.

Худудларда “Фуқаробай” ишлаш тизимида жойлардаги муаммоларни хал қилишнинг яхлит ва таъсирчан, тезкор ҳамда жадаллаштирилган янги шакли ва усули, унинг тузилишини яратишга хизмат қилиши зарурлиги белгиланди. Аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва ижтимоий ҳимояга мухтож фуқаролар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш муҳим аҳамият қасб эта бошлади.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш керак, хотин-қизларни иш ва турмуш шароитини яхшилаш билан бошқа ижтимоий муҳим масала – оила ва фарзанд кўриш ҳамда тарбиялаш истагидан воз кечилмаслигини таъминлаш лозим. Шу боис мамлакатнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаб бориш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини иқтисодий қўллаб-куватлашни давлат сиёсатида муҳим ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда келгусида аёлларга ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиш ёки факат оила ва бола тарбияси билан шуғулланишда

эркинлик хуқуқини бериш катта аҳамиятга эга. Бинобарин, бу каби енгилликлар яратиш орқали аёллар жиноятчилигига сабаб бўлган бир қатор қriminogen ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

---

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://president.uz/uz/lists/view>.
2. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 1 июль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 1 сент.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 20 сент.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1147>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессия-сидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 10 ноябр.
7. Мирзиёев Ш.М. Одамларнинг бунёдкорона меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб турмуш шароити яратиш – энг муҳим вазифамиздир // Халқ сўзи. – 2017. – 18 ноябр.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 ноябрь куни ўтказилган жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишиланган йиғилишда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 21 ноябр.
9. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тарақкий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 декабрь.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон буйруғи // URL: <http://www.lex.uz>;
12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 6 сентябрдаги 193-сон «Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йигинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи // URL: <http://www.lex.uz>.
13. Effects\_of\_migration\_on\_children\_of\_Uzbekistan\_uzbek.pdf.  
(15.08.2020).
14. URL <https://moluch.ru/archive/220/52434/> (дата обращения: 20.12.2019).